



MINISTRY OF HEALTH OF THE  
REPUBLIC OF UZBEKISTAN



MINISTRY OF HIGHER  
EDUCATION, SCIENCE AND  
INNOVATIONS OF THE REPUBLIC  
OF UZBEKISTAN



ANDIJAN STATE  
MEDICAL INSTITUTE

[www.adti.uz](http://www.adti.uz)

May 30, 2023.

**Republican scientific and practical  
conference with international participation**



**APPLICATION OF  
HIGH INNOVATIVE  
TECHNOLOGIES IN  
PREVENTIVE  
MEDICINE**

**MATERIALS**

Andijan 2023.



# APPLICATION OF HIGH INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN PREVENTIVE MEDICINE



**SCIENTIFIC EDITOR**

**M.M.MADAZIMOV**

**RESPONSIBLE EDITORS**

**K.Z.SALAKHIDDINOV**

**J.A.JOHONGIROV**

**G.N.MAMATKHUJAEVA**

**MEMBERS OF THE  
EDITORIAL BOARD**

**X.T.MUSASHAYXOV**

**D.B.ASRANKULOVA**

**SH.Y.BUSTANOV**

**COMPUTER GRAPHICS  
EDITORS**

**F.A.ABDULXODIMOV**

**Y.S.GROMOV**



## АҲОЛИНИНГ ДИЗЕНТЕРИЯ КАСАЛЛИГИ БИЛАН КАСАЛЛАНИШИ ВА УНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИДА СУВНИНГ СИФАТИНИНГ АҲАМИЯТИ

Саломова Ф.И., Шерқўзиёва Г.Ф., Искандаров А.Б., Урманова Л.Ж.

Тошкент тиббиёт академияси

Сўнги йилларда мамлакатимизда сувдан оқилана фойдаланиш, унинг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, сув истеъмолини ҳисобга олишнинг замонавий инновацион тизимларини жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўрилган ҳолда сувдан фойдаланиш, шу жумладан сув таъминоти ва сув чиқариш соҳасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Бироқ, глобал иқлим ўзгариши туфайли республикада қуруқ фаслларнинг давомийлиги ошиб бормоқда, тоғларда қор захиралари майдони камаймоқда, камсувлик такрорланиши тобора кўпаймоқда, бу эса ўз навбатида сув танқислиги келиб чиқиш хавфининг ошишига олиб келади. Шу муносабат билан бу борада кучли қонунчилик яратилган бўлиб хусусан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини ошириш ва унинг сифатини яхшилаш учун ўзбекистон республикасининг сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонида ҳам ўз аксини топган. Бизга маълумки инсон узоқ вақт сувсиз яшай олмайди, чунки сув инсон организмнинг барча ҳаётий фаолиятига киради: у барча орган ва тўқималарнинг таркибига киради, суюқ муҳитда инсон ва ҳайвонларни яшашини таъминловчи асосий жараёнлар кетади. Сув катта ва муҳим санитар-гигиеник аҳамиятга эга, усиз танани ва хоналарни тоза тутишни, овқат тайёрлашни, кир ювишни, хўжалик-маиший талабларни қондиришни имкони йўқ. Сув муҳим эпидемиологик аҳамиятга эга, сув орқали бир қатор ичак инфекциялари: қорин тифи, паратиф, ичбурағ, вирусли гепатит А, вабо тарқалиши мумкин.

Аҳолининг ичимлик сувига боғлиқ касалланиш ҳолати ўрганилганда биз муҳити орқали келиб чиқадиган касалликлар хусусан юқумли касалликларни ўргандик ва қуйидаги натижалар олинди: ичимлик суви орқали аҳоли ўртасида кенг тарқалган юқумли касалликлардан бири дизентерия ҳисобланади. Дизентерия ёки ичбуруғ – йўғон ичакнинг зарарланиши (бот-бот ич кетиши ва қориннинг бураб оғриши) ва организмнинг захарланиши (бўшашиш, ҳолдан тойиш, бош оғриғи, ҳарорат кўтарилиши, кўнгил айнаши, баъзан қайт қилиш) билан кечадиган ўткир инфекцион касаллик бўлиб бутун ер юзида учрайди. Одамларда учрайдиган дизентерия кўзғатувчисининг турига қараб, бактериял дизентерия билан амёбиаз фарқ қилинади, шу билан бирга дизентерия бактериялари бемор ахлати билан ташқи муҳитга чиқади ва ташқи муҳит объектларини ифлослантириб аҳоли саломатлигига хавф келтириб чиқаради. Дизентерия микроблари бир неча кундан 2-3 ойгача сақлана олади. Соғлом одам касаллик бактериялари билан ифлосланган сув, мева, сабзавот, овқатни истеъмол қилганда касаллик юқади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда биз йиллар динамикасида аҳолининг ушбу касаллик билан касалланиш ҳолатини ретроспектив таҳлил қилганимизда қуйидаги натижаларни олдик: Дизентерия



касаллиги бўйича 2017 йил — 1 та (республика бўйича — 376 та) ҳолат, 2018 йил — 2 та (республика бўйича — 170 та), 2019 йил — 2 та (республика бўйича — 145 та), 2020 йил эса республика бўйича 52 та ҳолат аниқланди. Ўткир ичак касалликлари: 2017 йил 24 та (республика бўйича — 3788 та) ҳолат, 2018 йил — 43та (республика бўйича — 2660 та), 2019 йил — 14 та (республика бўйича 2598 та), 2020 йил эса — 18 та (республика бўйича — 1657 та) ҳолат аниқланди.

Олинган натижалардан шуни **Хулоса** қилишимиз мумкин 2018-2019 йилларда аҳолининг бошқа кузатув йилларига нисбатан касалланиш ҳолати кўп қайд этилган. Шу сабабли дизентериянинг олдини олиш учун аҳоли яшайдиган жойларни тоза тутиш, озиқ-овқат корхоналари, сув тармоқлари ўстидан санитария назоратини кучайтириш, пашшани йўқотиш, шахсий гигиена қоидаларига жиддий риоя қилиш, мева-сабзавотни тоза сувга обдан ювиб ёйиш керак ва қ. к. Аҳолини, айниқса, қишлоқ жойларида, тоза ичимлик сув билан таъминлаш нафақат дизентерияда, балки барча ўткир ичак касалликларининг олдини олишда муҳим ижтимоий тадбир ҳисобланади.

## АНДИЖОН ШАРОИТИДА ИЖТИМОЙ АҲАМИЯТГА ЭГА ЖИГАР КАСАЛЛИКЛАРИ ХАТАР ОМИЛЛАРИНИНГ ТАРҚАЛИШИ ВА 21 ЙИЛЛИК ЎЗГАРИШЛАРИ.

**Салоҳиддинов О.С., Мамасолиев Н.С., Каландаров М., Асқаров И.Р., Хақимов Н.С.,  
Андижон давлат тиббиёт интитути**

**Долзарблиги.** Ҳозирги клиник, терапевтик ва эпидемиологик ҳолат таҳлили бўйича **Хулоса** қилиш мумкинки, мазкур касалликлар кечишида, даволашда ва профилактикасида хатар омилларининг ролига етарлича эътибор қилинмайди. Ваҳоланки, ушбу касалликларнинг келиб чиқиши ва тарқалишида вируслар, чекиш, алкоголь, семизлик, гиподинамия, нутритив омиллар, арте-риал гипертензия каби хатар омилларининг роли жуда каттадир. Яна, адаби-ётларда кўрсатилишича, ушбу касалликларнинг “анъанавий модифи-цирланувчи хатар омиллари” деб ном олган сабабларини (жинс, алкоголь суистеъмоли, этник гуруҳ, вирус юкламаси, ҳамроҳ касалликлар) профилак-тикасининг самарали янги усулларини яратиб бериш - замонавий гепатоло-гиянинг умидли ва истиқболли йўналиши бўлиб ҳисобланади.

Изланишнинг мақсади. Андижон шароитида ижтимоий аҳамиятга эга жигар касалликлари хатар омилларининг тарқалиши ва 21 йиллик ўзгариш-лари.

Изланиш материаллари ва усуллари. Тадқиқотга 18-74 ёшли, Анди-жон давлат тиббиёт институтининг клиникаси бўлимларида сўровномали, биоким-ёвий, инструментал, функционал ва аутопсия усуллари билан тасдиқланган сурункали гепатит ва жигар циррози билан 2000-2020 йилларда даволанган бемор эркак ва аёллар популяцияси (4585та) ўрганиб чиқилди.

Изланиш натижалари. Тадқиқот натижалари таҳлили тасдиқладики,



# APPLICATION OF HIGH INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN PREVENTIVE MEDICINE



<p>АҲОЛИ ОРАСИДАГИ 40 ЁШДАН КАТТА АҲОЛИ ОРАСИДА ЮҚУМСИЗ КАСАЛЛИКЛАРНИ ЭРТА АНИҚЛАШ ВА ТИББИЙ КЎРИҚДАН ЎТИШНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ.</p> <p>М.М.Рахматова</p>	1157
<p>БТСЁМ ФАОЛИЯТИДА БОЛАЛАРДА ГИЖЖА КАСАЛЛИГИНИНГ ЭРТА АНИҚЛАШ ВА ДАВО ЧОРАЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШ БИЛАН ТИББИЙ ЁРДАМ СИФАТИНИ ОШИРИШ</p> <p>М.М. Рахматова</p>	1158
<p>АҲОЛИ ЎРТАСИДА НАРКОМАНИЯНИ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА ПРОФИЛАКТИК ЧОРА ТАДБИРЛАРНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ</p> <p>М.М.Рахматова, Г.У.Назарова, Я.Ф.Усманова, Д.Т Содиқова</p>	1160
<p>АҲОЛИНИНГ ДИЗЕНТЕРИЯ КАСАЛЛИГИ БИЛАН КАСАЛЛАНИШИ ВА УНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИДА СУВНИНГ СИФАТИНИНГ АҲАМИЯТИ</p> <p>Саломова Ф.И.,Шерқўзиёва Г.Ф.,Искандаров А.Б.,Урманова Л.Ж</p>	1162
<p>АНДИЖОН ШАРОИТИДА ИЖТИМОЙ АҲАМИЯТГА ЭГА ЖИГАР КАСАЛЛИКЛАРИ ХАТАР ОМИЛЛАРИНИНГ ТАРҚАЛИШИ ВА 21 ЙИЛЛИК ЎЗГАРИШЛАРИ.</p> <p>Салоҳиддинов О.С., Мамасолиев Н.С., Каландаров М., Асқаров И.Р., Хақимов Н.С.,</p>	1163
<p>ИЖТИМОЙ АҲАМИЯТГА ЭГА ЖИГАР КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ КЛИНИК КЕЧИШ ХУСУСИЯТЛАРИ (21 ЙИЛЛИК ЭПИДЕМИОЛОГИК МОНИТОРИНГ).</p> <p>Салоҳиддинов А., Хақимов Н.С., Мамасолиев Н.С., Каландаров М., Усмонов Б.У.</p>	1164
<p>ПЕДАГОГЛАРНИНГ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ</p> <p>Сапиохунова Х.М., Шоюнусова Н.Ш., Жуманова Л.А.</p>	1165
<p>ТАЛОҚНИНГ ТРАВМАТИК ШИКАСТЛАНИШЛАРИ ДИАГНОСТИКАСИ ВА ДАВОЛАШ НАТИЖАЛАРИ ТАХЛИЛИ</p> <p>Туракулов З.Ш., Исаков Н.З., Тождиддинов Ш.Ш.</p>	1167
<p>АРГТ ВА ҚАНДЛИ ДИАБЕД 2 ТИПИ КОМОРБИДЛИГИНИНГ ИФОДАЛАНИШ ЧАСТОТАСИ.</p> <p>Ж.Х.Турсунов,Н.С.Мамасолиев., Х.Х.Турсунов</p>	1168
<p>АРГТ ВА “НОХОС СИМПТОМЛАР” КОМОРБИДЛИГИНИНГ ИФОДАЛАНИШ ЧАСТОТАСИ.</p> <p>Ж.Х.Турсунов,Н.С.Мамасолиев.</p>	1170